ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲУСУСИЯТЛАРИ ВА МЕҲНАТГА МУНОСАБАТ МАСАЛАЛАРИ

Дилдора Отабекова
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси
DOI : 10.67620/TIPUjournal.330012

ANNOTATSIYA

В данной статье с социологической и философской точек зрения анализируется социально-экономическая сущность человеческого капитала, роль характера, духовности и образования в его формировании. Взгляды мыслителей Античности (Конфуций, Платон, Аристотель) и деятелей Восточного Ренессанса (Алишер Навои, Бабур) на развитие человеческого потенциала исследуются в неразрывной связи с современными концепциями отношения к труду и развития человеческого капитала.

КАЛИТ СЎЗЛАР

человеческий капитал, социальная характеристика, характер, отношение к труду, Платон, Аристотель, Алишер Навои, духовность, социальное развитие

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада инсон капиталининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, унинг шаклланишида характер, маънавият ва таълимнинг ўрни социологик ҳамда фалсафий томондан таҳлил қилинган. Антик давр мутафаккирлари (Конфуций, Платон, Аристотель) ва Шарқ уйғониш даври алломаларининг (Алишер Навоий, Бобур) инсон салоҳиятини юксалтириш борасидаги қарашлари замонавий меҳнатга муносабат ва инсон капиталини ривожлантириш концепциялари билан узвий боғлиқликда тадқиқ этилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР

инсон капитали, ижтимоий хусусият, характер, меҳнатга муносабат, Платон, Аристотель, Алишер Навоий, маънавият, ижтимоий тараққиёт.

ABSTRACT ***KEY WORDS***

This article analyzes the socio-economic essence of human capital, as well as the role of character, spirituality, and education in its formation from sociological and philosophical perspectives. The views of Ancient thinkers (Confucius, Plato, Aristotle) and Eastern Renaissance scholars (Alisher Navoi, Babur) on enhancing human potential are studied in close connection with modern concepts of attitude toward work and human capital development.

human capital, social characteristics, character, attitude to work, Plato, Aristotle, Alisher Navoi, spirituality, social progress.

Замонавий жамиятда инсон капитали ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва миллий рақобатбардошликни таъминловчи энг асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланди. Маълумки, «Инсон капитали — бу муайян одамдаги билим, тажриба, кўникма ва қобилиятларнинг иқтисодий самарадорлигидир», деб таъкидлаган социолог, профессор М. Бекмуродов. Инсон капиталидан фойдаланиш фақат бир томонлама, яъни шахсий манфаат йўлида эмас, балки жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш учун кун тартибига қўйилади.

Инсон капитали тушунчаси моҳият эътиборига кўра қуйидаги ижтимоий хусусиятларни намоён этади: Инсон капитали замонавий ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади; Инсон капиталини ривожлантириш давлат, жамият ва шахснинг ўзидан жиддий саъй-ҳаракат ва харажатлар талаб этади; Инсон капитали билим, тажрибалар, стратегик режалар, одамларнинг интеллектуал-маънавий даражаси, шунингдек, муайян мақсадлари, қизиқиш ва лаёқатлари сифатида ҳам миллий захира ҳисобланади; Инсон капиталини ривожлантириш мақсадида сарфланадиган харажатлар фақат яқин вақт мобайнида эмас, балки узоқ вақт истиқболда кўпроқ наф келтиради; Инсон салоҳияти унинг эгасига кўрсатиладиган эътибор ва ғамхўрлик натижасида инсон капиталига трансформаторланади.

Инсон капитали масаласини тадқиқ этишнинг долзарблиги қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

1. **Биринчидан:** Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиялари асосида жадал ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-сиёсий ривожлантириш ва маънавий юксалтириш, давлат ва жамият барқарорлигини таъминлаш вазифаларининг инсон капиталини такомиллаштириш билан узвий боғлиқлиги.

2. **Иккинчидан:** Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантириш ишларининг миллий ва умуминсоний қадриятларни тиклаш ва юксалтиришга асосланганлиги.

3. **Учинчидан:** Инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган таълим ва тарбиянинг уйғунлиги, узвийлиги ҳамда уларнинг замонавий меҳнат бозори талабларига мослашувчанлигини таъминлаш заруратидир

ТАДҚИҚОТ ВА МУҲОКАМА

1. Инсон характери ва меҳнатга муносабатнинг генезиси (Философик ва тарихий таҳлил)

Инсон капиталининг сифати бевосита шахс характери ва унинг меҳнатга бўлган муносабати билан белгиланади. Меҳнат инсон характерини шакллантирувчи бош омил саналади. Характернинг ижтимоий аҳамияти дунёнинг буюк мутафаккирлари Конфуций, Платон, Исократ, Аристотель ва Навоий асарларида турли жиҳатлардан тавсиф этилган. Эрамиздан олдинги VI–V асрларда қадимги Элладада асосий эътибор нотиқлик маҳоратини эгаллашга қаратилган бўлса, IV асрдан бошлаб Юнонистон истиқболи учун янгича руҳга эга авлодни шакллантириш ҳаракати бошланди. Қадимги Афина давлатининг устунлари — Платон, Исократ, Аристотель ва бошқаларнинг саъй-ҳаракати билан ёшларда қатъий ирода, меҳнатсеварлик, матонат, мақсадлилик, жасорат фазилатларини ўзида мужассам этувчи характерни шакллантиришга эътибор берила бошланди.

Гипократ гуманитар йўналишда махсус мактаб очиб тизимли фаолиятни йўлга қўйган бўлса;

Платон Афина яқинидаги Академ қишлоғида бунёд этган бутун Грециядан тўпланган истеъдодлар мактабида (шу мактабда Аристотель 12 йил таҳсил олган) ёшларнинг ҳаётга бўлган қатъиятли ёндашуви, муайян эътиқоди, ижтимоий-сиёсий қарашлари, ахлоқий сифатлари барқарор бўлган, тўлақонли характерга эга янги авлодни тарбиялаш ишларини йўлга қўйди.

Характерни шакллантириш воситаси сифатида турли қарашлар жиддий муҳокама этилган: **Платон** нуқтаи назарига кўра, ижтимоий тараққиёт суръатлари асосан **ғоя омилига** боғлиқ эканлиги асосланса;

Аристотель шахс, жамият ва давлат ривожи аниқ натижаларни эгаллашга йўналтирилган **мақсадлиликка** боғлиқ эканлигини назарий ва амалий исботлайди;

Конфуций назарида характер шаклланишининг бошланғич нуқталари тўғрилик, меҳнатсеварлик ва тартибларга қатъий риоя этиш билан белгиланади.

Шу тариқа, тараққиёт тенденцияларида ҳам, характер шаклланишида ҳам Платон ғоя омилини, Аристотель эса мақсадлиликни устувор деб талқин этишган.

2. Шарқ Мутафаккирлари меросида инсон салоҳияти ва тарбия

Алишер Навоий ўзининг «Маҳбуб-ул-қулуб», «Мажолис ун-нафоис» асарларида инсон феъл-атвори, характери унинг турмуш тарзи, тинчлиги, ҳаётда нималарга эриша олиши ва жамиятдаги ижтимоий ўрнига жиддий таъсир кўрсатишини Биноий, Мавлоно Шомий, Мавлоно Хуррамий ва бошқа шахсларга берган таърифи орқали ёрқин асослаб беради.

Алишер Навоий нуқтаи назарига кўра, инсон салоҳиятининг юксалиши инсоннинг оилада, устозларга ва жамоа орасида олинган тарбияга асосланади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида «Алишербек ҳар кишининг ўз касби, фаолияти доирасида етуклик даражасига эришиш учун жиддий саъй-ҳаракат кўрсатди. Бу ҳол Ҳирот ва бутун Хуросонда ялпи юксалиш юз беришига туртки берди» деб таъкидлагани бежиз эмасдир.

3. Инсон капитали тараққиётида билим ва маънавиятнинг замонавий синергияси

Президентимиз инсон капитали тараққиётининг негизида икки асосий омил, яъни **билим ва маънавият** ётишини алоҳида қайд этиб, бу икки омил миллат руҳи, табиати — бир сўз билан айтганда характери орқали ижтимоий ва иқтисодий жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланади.

Демак, шахс характерининг кучи: Эгалланган билим ва маънавият кўламига Давлат ва жамият миллий стратегиясига боғлиқ. Одамларнинг ҳаётда кўзлаган мақсадлари ва ўз-ўзини баҳолаш даражасига бевосита боғликдир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Инсон капиталини шакллантириш ва ундан оқилона фойдаланиш фақат иқтисодий инвестициялар билан чекланиб қолмай, балки чуқур ижтимоий, маънавий ва тарбиявий жараёндир. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг қарашлари шуни кўрсатадики, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий юксалиши инсон характеридаги меҳнатсеварлик, масъулият ва мақсадлилик каби фазилатларга таянади.

Юқордагилардан келиб чиқиб, қуйидаги илмий-амалий таклифлар илгари сурилади:

1. **Маънавий-ахлоқий ва касбий тарбия интеграцияси:** Таълим тизимида фақат касбий кўникмаларни эмас, балки меҳнатга ҳалол ва

масъулиятли муносабатни шакллантирувчи шарт-шароитларни янада кучайтириш.

2. **Инновацион ва креатив иқтисодиётга ўтиш:** Инсоннинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини доимий ошириб боришга хизмат қилувчи узлуксиз таълим (Life-long learning) тизимини ривожлантириш.

3. **Ижтимоий рағбат ва мотивация:** Ходимларнинг ўз касбий фаолиятида етукликка эришишларини рағбатлантирувчи шаффоф ва адолатли ижтимоий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бекмуродов М. ва бошқалар. Ижтимоий соҳа ва инсон капиталини ривожлантириш. — Тошкент: «Фан ва технология», 2019.
2. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. — Тошкент: «Фан», 1998.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. — Тошкент: «Юлдузча», 1989.
4. Платон. Государство / Пер. с древнегреч. — М.: «Мысль», 1999.
5. Аристотель. Политика. Сочинения в 4-х томах. — М.: «Мысль», 1983.